

# **НАВБАТДАГИ САЙЁР ҚАБУЛ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ БҮЛИБ ЎТДИ.**



Бугун Қумқўрғон тумани 1-сектор худудидаги “Янги авлод” маҳалласида Сайёр қабул ҳамда “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди. Унда туман ҳокими ӯринбосари Нормўмин Алланазаров ҳамда тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла аҳолиси ва ёшлар иштирокида бўлди.

Қабул давомида бир қатор муаммолар айтиб ўтилди. Бир ойлик ҳарбий хизмат пулини тўлаб бериш, имтиёзли кредит олиш, даволаниш учун моддий ёрдам, ичимлик суви, ички йўлларни таъмирлаш ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушди.

Мазкур учрашувда бир қатор ёшлар мурожаатлари шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Муддат талаб қиласиган мурожаатлар назоратга олинниб, ижроси бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берилди.